

O'zbekiston OVOZI

КАДАСТР СОҲАСИДАГИ ИШЛАР ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ


Президент Шавкат Мирзиёев 21 декабрь куни ер ҳисоби ва давлат кадастрларини шакллантириш, соҳага рақамли технологияларни жорий этиш масалалари юзасидан йўғилиш ўтказди.



ИЛГАРИ ҲИСОБГА ОЛИНМАГАН

412 МИНГТА КЎЧМАС МУЛК КАДАСТР
БАЗАСИГА КИРИТИЛДИ,

478 МИНГТА ОБЪЕКТАДА ҚЎШИМЧА
ҚУРИЛМАЛАР АНИҚЛАНИБ, КАДАСТР
БАҲОСИ ҚАЙТА КЎРИБ ЧИҚИЛДИ.



Мамлакатимизда ерни асраб-авайлаш, адолатли ажратиш ва ундан оқилона фойдаланиш бўйича тизимли ишлар қилинмоқда. Жорий йилда қишлоқ ерларини очиқ танлов асосида ажратиш, қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган жойларни аукцион асосида хусусийлаштириш тўғрисида қонун қабул қилинди.

2020 йил 7 сентябрда "Ер ҳисоби ва давлат кадастрларини юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" Президент фармони им-

золанган эди. Унга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузурида Кадастр агентлиги ташкил этилди. Фармонда кўплаб янгиликлар қатори давлат кадастрлари объектларини хатловдан ўтказиш ва Миллий геоахборот тизимига киритиш вазифаси ҳам белгиланганди.

Шундай қилиб, Ўзбекистон тарихида илк бор қишлоқ хўжалиги ерлари ялпи хатловдан ўтказилмоқда. Бугунги кунгача 23 миллион гектар қишлоқ ерларининг электрон хариталари яратилди. Шундан,

22 миллион гектари давлат рўйхатидан ўтказилди.

Илгари ҳисобга олинмаган 412 мингта кўчмас мулк кадастр базасига киритилди, 478 мингта объектада қўшимча қурилмалар аниқланиб, кадастр баҳоси қайта кўриб чиқилди.

Шу билан бирга, хатловда кўплаб хатликлар ҳам юзага чиқмоқда. Мисол учун, электрон ҳисобга олинаётган қишлоқ хўжалиги ерлари қоғозда юритиб келинган Ер фонди ҳисоботи билан фарқ қилмоқда.

Давоми 2-бетда. ▶



ЮРТИМИЗ РАВНАҚИ,
ДЎСТЛИГИМИЗ
МУСТАҲКАМЛИГИ
ЙЎЛИДА

2 САҲИФА



УЛКАН
ЛОЙИҲАЛАР
ВА ҲОКИМЛАР
МУРОЖААТИ

4 САҲИФА



МАРКАЗИЙ
ОСИЁНИНГ
ФАОЛ АЁЛЛАРИ

5 САҲИФА

„МАТБУОТ УЙИ“ СОТИЛМАЙДИГАН БЎЛДИ



Президент матбуот котиби Шерзод Асадов бир гуруҳ босма матбуот нашрлари бош муҳаррирлари билан учрашди. Унда босма матбуот — газета ва журналлар фаолиятига оид муаммолар, янги таклифлар муҳокама қилинди.

Шунингдек, Шерзод Асадов "Матбуот уйи" номи билан машҳур бўлган ва ҳозирда сотувга қўйилган бино узил-кесил

сотувдан олингани ҳамда бино келгусида оммавий ахборот воситалари, жумладан босма нашрларга қолдирилишини маълум қилди.

"Матбуот уйи"нинг сотувга қўйилиши журналистлар орасида салбий кутиб олинган ва бир қанча танқидий чиқишлар қилинган эди.

Шерзод Асадовнинг маълум қилишича, ушбу масала Президент томонидан назоратга олинган ва ушбу бино замонавий талаблар асосида қайта қурилади ҳамда оммавий ахборот воситалари, шунингдек, Журналистлар уюшмаси фойдаланиши учун топширилади.

Бундан ташқари ОАВлар, босма нашрлар ҳамда Журналистлар уюшмаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш бўйича махсус қарор лойиҳалари тайёрланаётгани маълум қилинди.

Манба: t.me/xushnubek

ОБУНА — 2022

Энди «Ўзбекистон овози»
газетасига


CLICK VA Payme

иловалари орқали
обуна бўлишингиз
мумкин.

Нашр
кўрсаткичи —
220.

Боғланиш учун
телефонлар:

(71) 276-20-67, (71) 276-10-91.



22-dekabr, chorshanba, 2021-yil.
№51 (32693)КАДАСТР СОҲАСИДАГИ ИШЛАР
ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

Бундан ташқари, йўл, электр, газ таъминоти, сув хўжалиги, ободонлаштириш объектлари, кўп қаватли уйларга туташ ҳудудлар кадастрида ҳам кўплаб муаммолар мавжуд.

Булар қилинадиган ишлар ҳали кўпчилигини кўрсатади. Шу боис йиғилишда галдаги муҳим вазифалар белгиланди.

◀ Давоми, бошланғичи 1-бетда.

Аввало, қишлоқ хўжалиги ерларини ҳисобга олиш ишларини келгуси йил 1 апрелгача якунлаш муҳимлиги таъкидланди. Бунинг учун қишлоқ хўжалиги ер балансидаги 2 миллион 700 минг гектар майдоннинг тоифасини аниқлаш зарур.

Келгуси йилда аҳолига ижарага бериладиган 80 минг гектар ерни давлат рўйхатидан ўтказиб, кейин танловга чиқариш вазифаси қўйилди.

Ҳудудларда қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар ҳам кўпки, улардан ҳам самарали фойдаланиш зарур. Масалан, ўрмон хўжалиги давлат кўмитаси тасарруфидан 10 миллион гектардан зиёд, сув хўжалиги вазирлиги тизимида 820 минг гектар, автомобиль йўллари атрофидан 450 минг гектар ер бор. Шунингдек, 3 миллион 300 минг гектар ер ҳокимликлар захирасида турибди.

Давлатимиз раҳбари бу ерларнинг электрон харитасини тузиш ва давлат мўлки сифатида рўйхатдан ўтказиш кераклигини таъкидлади.

Ички йўллар ва кўп қаватли уйларга туташ ҳудудларни доимий фойдаланишга ажратиш мумкинлиги қайд этилди.

Яна бир муаммо – ер балансида аҳоли яшаш майдонлари 223 минг гектар бўлса-да, амалда 1 миллион гектардан ошиб кетган. Шу боис, бундай кўчмас мўлк объектларини хатловдан ўтказиб, унинг натижаси бўйича электрон харита тузиш ҳамда аҳоли учун очик онлайн платформага жойлаштириш вазифаси қўйилди.

Кадастр идораларининг шароитларини яхшилаш, ускуналарини янгилаш бўйича ҳам топшириқлар берилди.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
расмий веб-сайтидан олинди.

ЮРТИМИЗ РАВНАҚИ,
ДЎСТЛИГИМИЗ
МУСТАҲКАМЛИГИ
ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 16-18 декабрь кунлари давлат ташрифи билан Корея Республикасида бўлди.

Ўзига хос тарихий воқеага айланган мазкур ташриф доирасида қабул қилинган қарорлар, эришилган келишувлар алоҳида стратегик шериклик муносабатини янада юқори даражага олиб чиқиш учун мустаҳкам пойдевор яратди.

ЎЗА муҳбири ҳамюртларимизнинг айна мавзуга оид фикрлари билан қизиқди.

Рустамбек Қурбонов,
Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси раиси:

– Давлатимиз раҳбарининг Корея Республикасига ташрифи юксак даражада ўтганига гувоҳимиз. Муҳими, икки давлат етакчилари ўртасидаги ўта самимий, ишончли муносабат давлатларимизнинг истиқболли келажагидан дарак бермоқда.

2022 йилда корей халқининг Ўзбекистонга кўчириб келинганининг 85 йиллиги ва икки давлат ўртасида дипломатик алоқа ўрнатилганига 30 йил тўлиши муносабати билан кўплаб тадбирлар ўтказилиши кўзда тутилган. Қўмитамиз бу анжуманларга тайёргарликни бошлаб юборган. Корейлар ўзбек халқи билан бир оиладек аҳил, иноқ ҳаёт кечириб келмоқда. Пойтахтимизнинг «Дўстлик боғи»да корей халқи номидан ўзбек халқига миннатдорлик ҳайкали ўрнатилгани бунга яққол мисол.

Ақсарият корейлар ўзбек тилини яхши билишади. Бизнинг урф-одатимиз, катталарга ҳурмат, ўзаро муомала маданияти, меҳнатсеварлик каби қадриятларимиз ўхшаш. Икки Президент имзолаган ҳужжатлар мамлакатларимиз тараққиётига бекиёс ҳисса қўшади, деб ишонаман.

Виталий Ким,
Ўзбекистон корей маданият марказлари ассоциацияси раиси ўринбосари:

– Биз кучли ҳаяжон билан Президентимизнинг Корея Республикасига давлат ташрифи тафсилотларини кузатдик. Учрашув чоғида эришилган келишувлардан ҳам Ўзбекистон фуқароси, ҳам корей миллилати вакили сифатида хурсандман. Албатта, мамлакатларимиз салоҳияти юқори ва бундай ташрифлар орқали кўплаб ташаббуслар амалга ошади. Ўзбекистонда барча миллат вакиллари учун кўлай шароит яратиб берилган. Масалан, депутатликка номзодимни қўйганимда менга жуда кўп сайловчи овоз берган. Бундай шарафга муяссар бўлганимдан чексиз бахтлиман. Кореяга борсам 4-5 кунда уйимга – жонажон Ўзбекистонимга қайтгим келиб қолади. Юртимни соғиниб қоламан, чунки кичик ватанимиз Корея бўлгани билан, биз учун муқаддас еримиз, асл Ватанимиз – Ўзбекистон. Навбатдаги муҳим ташриф якунига кўра имзоланган ҳужжатлар ижроси юзасидан «Йўл харитаси» ишлаб чиқилади. Биз ҳам, ўз навбатда, мана шу вазифаларни бажаришга бор куч, имкониятимизни йўналтираемиз.

Екатерина Ким,
Ўзбекистон корей маданият марказлари ассоциацияси фаоли:

– Мен шу заминда туғилганман. Ўзбекистон ва Корея ўртасидаги дўстона муносабат изчил равишда топиши мен учун гоят муҳим. Кейинги йилларда жонажон Ўзбекистонимизда кечаётган янгиликларимиз жараёндан шу диёрда истиқомат қиладиган барча фуқаролар ҳаётида ёрқин акс этмоқда. Одамларнинг ўз турмушидан розилиги, мамнунлиги туйғуси тобора ортомоқда. Айни пайт халқаро муносабатларда ҳам туб бурилиш яққол кўзга ташланмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистонда кечаётган ижобий ўзгаришларни бутун жаҳон эътироф этмоқда. Шавкат Мирзиёевнинг Корея Республикасига давлат ташрифини диққат ва ҳаяжон билан кузатдик. Бу тарихий аҳамиятга эга ташриф. Негаки, бўлиб ўтган учрашувлар доирасида халқларимиз ижтимоий ҳимоясига оид соғлиқни сақлаш, таълим каби соҳалар бўйича муҳим келишувлар, давлат аҳамиятига молик ҳужжатлар имзоланди.

Мен ҳам онаман, асли касбим – педагог. Демак, фарзандларимиз сифатли таълим олиши, соғ-саломат бўлиши мен учун гоят муҳим. Ҳозир Ўзбекистон – Корея дўстлиги натижаси сифатида пойтахтимизда бунёд этилган йирик кўп тармоқли болалар тиббиёт-диагностика марказида ҳуқуқшунос бўлиб ишлаяпман. Энди масканда катталар учун ҳам клиника қуриляпти. Келажакда мамлакатимизнинг барча вилоятларидан ҳамюртларимиз бу ерга келиб, ўз дардига шифо топиш имконияти яратилади.

Ўзбекистонда Кореянинг бир неча университети филиали фаолият кўрсатмоқда. Амалга оширилаётган ишларнинг бари халқимиз, жонажон Ўзбекистонимиз фуқаролари янада фаровон, маърифатли, бахтиёр яшаш учун қаратилган эътибор, кўрсатилаётган амалий гамхўрлик намунасидир. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг Корея Республикасига давлат ташрифи эса икки давлат тараққиётида янги-янги истиқболли саҳифалар очиши шубҳасиз.

ЎЗА муҳбири Назолат УСМОНОВА
ёзиб олди.

МУЛОҲАЗА

СЕССИЯНИ БОЗОРГА АЙЛАНТИРИШ
ДОНОЛИК БЕЛГИСИ ЭМАС

ПРЕЗИДЕНТ ПАРЛАМЕНТ МАЖЛИСЛАРИНИ ТЎҒРИДАН ТЎҒРИ ЖАМОАТЧИККА КЎРСАТИШ БЎЙИЧА ТАВСИЯ БЕРДИ. ЖАРАЁН БОШЛАНДИ. БИРИНЧИ ҚАДАМЛАР ҲАММА ТОМОН УЧУН ҲАМ ОСОН ЭМАС, МАҚТОВЛАР ҲАМ, ТАНҚИДЛАР ҲАМ БОР. ЭНГ КАТТА ЮТУҚ ТАБИИЙЛИК, ДЕЙИШМОҚДА. ТАБИИЙЛИК, ОЧИҚЛИК ВА ТЎҒРИЛИК СИЗ ДЕМОКРАТИЯ ТОМОН ЮРОЛМАЙМИЗ.

Эмишки, халқ депутатлари Жиззах вилояти Кенгашининг 20 декабрь кунига белгиланган сессиясида вилоят ҳокими аҳолига мурожаат йўллайди. Шу мажлисда қатнашадиган депутатлардан ҳокимга савол бермаслик талаб қилинган. Ижтимоий тармоқларда авжига чиққан хабарларга кўра, шаҳар ва туман кенгашларининг депутатлари, доимий комиссиялар раислари ҳамда котибиятлар раҳбарлари расмий кийимда, яъни ок кўйлак, қора шим, галстук, депутатлик нишони, гувоҳномада келишлари шартлиги таъкидланган.

Шунингдек, вилоятдаги кенгашлар котибиятлари мудирларига йўлланган хатда сессияга телефон билан қўйилмаслиги ҳақида огоҳлантирилгани айтилмоқда. Сессияда саволлар берилмайди.

Хатда агар сессия кун тартиби бўйича интервью берадиганлар бўлса, вилоят ҳокими мурожаатидан келиб чиқиб лозим ҳамда сессия бўлиб ўтаётган жараёнда саволлар берилмаслиги қайд этилган экан.

Парламент мажлисларида ва маҳаллий Кенгашлар сессияларида депутатлар турли масалаларни кўради. Баҳс-мунозаралар, кези келганда кескин тортишувлар ҳам кузатилади. Ҳақиқий жараёни борича оммага намойиш этиш эса давлат органлари шаффофлигини таъминлашда жамоатчилик назоратини кучайтиришга, одамларда ишончни оширишга хизмат қилади. Мазкур масалада Халқ демократик партиясидан сайланган депутатларнинг ҳам ўз қарашлари, вазиятга муносабати бор.



Абдурашид УБАЙДУЛЛОВ,
Наманган вилоят Кенгаши
депутати:

– Биз ҳуқуқий демократик давлат куриш йўлидан кетяпмиз. Бу жамиятда қонун устуворлигини таъминлашни билдиради. Нима хоҳласам, гапирман, қандай истасам, юраман, хоҳлаганимни қиламан, деган одам қонун олдидаги жавобгарликни ҳам унутмаслиги керак. Чунки қонун бу ҳамма учун бир қилиб белгиланган ҳужжат.

Депутат ўзи сайланган ҳудуддаги халқнинг вакили. Демак, ўзининг эмас, уларнинг манфаатидан келиб чиқиб, халқнинг номидан гапириш керак.

Юқорида халқ фаровонлиги учун хизмат қилувчи меъёрий ҳужжатлар қабул қилинапти, қарор ва фармонлар амалиётга

жорий этиляпти. Бироқ қуйида мана шу ҳаракат гилдирагини айланттиришга онги, муносабати етадиганлар кам. Кўпчилик қотиб қолган. Ўзгаришлар учун эса вақт талаб этилади.

Сессияларнинг тўғридан тўғри эфирга узатилиши депутатларнинг гапираётган сўзига нисбатан масъулиятини оширади. Кун тартибидagi масалалар, жойлардаги ҳақиқий аҳвол билан боғлиқ таклифлар тайёрлашга, фикр билдиришга ундайди. Чунки халқимиз доно. Ким популист, сохта обрў учун фақатгина хўжақўрсинга иш қилади, кимда гоёга садоқат бор, аҳоли дардини ҳис қилади. Ҳаммасини ажратиб олади.

Шу ўринда яна бир гап. Демократия – оғзига келганини гапириш эмас. Сўз масъулияти, мажбуриятини аниқлаш ҳам лозим. Ўйлайманки, бунга айрим блогерлар ҳам амал қилиши зарур. Қонун доирасида, маданият доирасида ишлаши тарафдориман. Охириги пайтлар ҳақорат ва ноўрин гаплар кўпайди.

Турли хабарларга келсак, ҳудудий телевидение ҳамда ижтимоий тармоқларда тўғридан тўғри ёритилишини инobatга олган ҳолда сессия йиғилишига ҳалақит бермаслик мақсадида телефонни овозсиз ҳолатга келтириш тавсия этилиши мумкин. Бироқ уни олиб киришни тақиқлаш нотўғри.



Зулфия ТҲҲҲҲҲ,
Ўзбекистон ХДП
Бухоро вилоят
кенгаши раиси,
вилоят Кенгаши
депутати:

– Сессиялар мажлиси нафақат халқ депутатлари Кенгашлари қарори қабул қилинадиган сиёсий йиғилиш, балки бу муҳим мунозаралар майдони ҳисобланади. Ҳудудга тегишли, халқ дардига айланган муҳим масалалар депутатлар муҳокамасига қўйилади. Сессияга қиритиладиган масалалар бир неча кун олдин айтилгани боис депутатларимиз шу мавзу доирасида тегишли маълумотларга эга бўлган ҳолда келиши талаб этилади. Улар ўз фикрини билдириб, янги-янги гоёлар, таклифлар айтишади. Бу табиий ҳол, албатта. Халқ вакили ҳисобланган депутат ҳар бир масала юзасидан ўз қарашларига эга ҳолда сессияда иштирок этиши керак.

Форма масаласига келсак, бунга талаб қилиш нотўғри. Лекин маданият билан, кўпчилиكنинг ичига қиришини ҳисобга олган ҳолда, озода, охорли кийимда бўлса, мақсадга мувофиқдир. Чунки бу ўзи ва бошқаларга нисбатан ҳурмат ҳамда эътиборни ифодалайди. Аммо депутатлик нишони албатта, бўлиши керак. Усиз мумкин эмас.

Албатта, сессияда мавзу юзасидан фикр айтиш ва саволлар билан мурожаат этишда ўзига хос маданият талаб этилади. Ҳар ҳолда, сессия мажлиси бозор эмас. Унда регламент белгиланиб, шу асосда гапириш, ҳар бир фикрга асос келтириш, маълум бир таклифларни ўрганишлардан келиб чиққан ҳолда, асослаб бериш ва албатта, нотиклик санъати муҳим аҳамиятга эга.

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари регламенти тўғрисидаги қонуннинг 61-моддасига асосан вилоят ҳокими ҳар йили вилоят Кенгашига ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг энг муҳим ва долзарб масалалари юзасидан ҳисобот тақдим этиши белгиланган. Шундай экан, тинглаш маданиятига кўра, ахборотни эшитиш, унга муносабат билдириш, электорат манфаатларидан келиб чиқиб, таклифлар айтиш лозим. Асосийси, депутат шаффофлик ва ҳаққонийлик нуқтаи назаридан ёндашиши зарур. Шундангина ишимизда самара бўлади.

Ҳамма ҳам сессияга шай ҳолда келади, десам ёлғон айтган бўламан. Гуруч курмакис эмас. Шунинг учун таклиф этилганлар орасида бир-иккита бепарволик билан телефон “ковлаб” ўтирганлари ёки шунчаки ҳисобот учун иштирок этиб, ҳатто қўл кўтариб тасдиқлашга-да ҳафсаласизлик билан, умуман эътиборсиз муносабатда бўладиганлар ҳам учрайди.

Бухорода халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларда партиямиздан 90 нафар депутат бор. Уларнинг 70-80 фоизи фаол, 20-30 фоизи эса ижобий кўрсаткичларга эга эмас. 100 фоиз натижага эришиш учун янада кўпроқ ишлашимиз зарур.

“Ўзбекистон овози” муҳбири
Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА тайёрлади.

2021 йилда менга энг ёққан янгилик бу — хорижга ишлашга кетаётганларни мажбурий касб-хунарга ўқитиш бўлди.

ХОРАЗМ ВИЛОЯТ ПАРТИЯ КЕНГАШИ

келгуси йилда ҳам ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг фаол иштирокчиси бўлади



Йил якунланяпти. ҲАР БИРИМИЗ ФАОЛИЯТИМИЗНИ САРҲИСОБ ҚИЛАМИЗ, АМАЛИЙ ИШЛАРИМИЗНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛАМИЗ, ШУНГА АСОСАН КЕЛГУСИ РЕЖАЛАРИМИЗНИ БЕЛГИЛАЙМИЗ. АЙНИҚСА, БУ ЙИЛ ПАРТИЯЛАР УЧУН КАТТА ИМТИҲОН, ЯНА БИР СИНОВ ЙИЛИ БЎЛДИ. ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИДА ФАОЛ ИШТИРОК ЭТДИ. БУ ЖАРАЁН ПАРТИЯНИНГ ТАЖРИБА ОРТТИРИШ, ФАОЛИЯТИГА ЯНА БИР ТАҲЛИЛИЙ-ТАНҚИДИЙ НАЗАР ТАШЛАШ ИМКОНИНИ БЕРДИ.

ЎзХДП ХОРАЗМ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ РАИСИ РАҲИМБЕРГАН ЮСУПОВ БИЛАН СУҲБАТИМИЗ ШУ ҲАҚДА БЎЛДИ.



Партия вилоят кенгаши учун 2021 йил қандай йил бўлди? Партия сафини кенгайтириш, электорат ишончини оқлаш, аҳолининг янада кўпроқ қўллаб-қувватлашига эришиш учун қандай ишлар қилинди?

– Сиёсий партиялар фақатгина амалий ишлар билан халқ ишончини қозониши мумкин. Буни тўғри англаб, замон билан ҳамнафас ҳолда ўз фаолиятини

олиб бораётган ЎзХДП Хоразм вилоят кенгаши жорий 2021 йил мобайнида талайгина ижобий ишларни амалга оширди.

Жумладан, жорий йил учун белгиланган режаларнинг деярли барчаси муваффақиятли бажарилишига эришилди. Партиянинг Ҳаракат дастури ва Сайловолди дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида йил давомида 520 га яқин турли тарғибот тадбирлари ва учрашувлар ўтказилди. Йил давомида хотин-қизлар ва ёшларни партия сафига жалб қилиш, уларнинг ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, партия дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида "Ёшларга кўмак", "Депутат ва ёшлар", "Аёлларга кўмак" лойиҳалари, "Биз соғлом турмуш тарафдоримиз", "Соғлом аёл-соғлом жамият асоси" каби

“Жойларда бирламчи тиббий хизмат сифатининг пастлиги аҳолининг ҳақли эътирозига сабаб бўлмоқда. Ушбу соҳада қабул қилинган қонун ҳужжатларининг жойларда етарлича ижро қилинмаётгани асосий муаммолардан бири бўлиб, бу ҳолатдан биринчи навбатда, партияимиз электорати азият чекмоқда. Шунинг учун биз малакали тиббий хизмат кўрсатиш масалаларида депутатлик назоратини йўлга қўйиш борасида ҳам қатъият билан иш бошладик.

спорт акциялари қолаверса, бепул тиббий кўриқлар ташкил қилинди. "Аёллар дафтари", "Темир дафтар", "Ёшлар дафтари" да рўйхатда турувчи хотин-қизлар ва ёшлар тадбирларга кенг жалб қилинди. Ҳусусан, "Ёшлар дафтари"га киритилган мингдан зиёд ёшларнинг, "Аёллар дафтари"га киритилган 900 нафардан ортиқ опа-сингилларимизнинг муаммолари ҳал қилинди. 450 нафар ёшлар иш билан таъминланди, хотин-қизлардан 200 нафари, ёшларнинг 320 нафари ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этилди.

Хоразм вилоятида бугунги кунда 548 та бошланғич партия ташкилоти мавжуд бўлиб, партия

аъзоларининг умумий сони 24 083 нафарни ташкил қилади. Шундан 11 494 нафари аёллар бўлса, 7296 нафари ёшлардир.

Шу кунларда ҳудудий бошланғич партия ташкилотларидаги фахрийлар, фаол аъзолар, маҳаллий Кенгаш депутатлари биргаликда аҳолини ўйлантираётган муаммоларни баргараф этиш борасида фаол иш олиб бормоқдалар.

– Партияимиздан сайланган маҳаллий Кенгаш депутатлари фаолиятига қандай баҳо берасиз?

– Ҳар бир депутат халқ билан ҳамнафас, ҳамфикр бўлиши, халқнинг дардини енгил қилиши ва аҳоли муаммоларини ўрганиши муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Бугунги кунда халқ депутатлари вилоят Кенгашидида 17 нафар, туман ва шаҳар Кенгашларида 95 нафар депутат фаолият юритмоқда.

Ўз вазифаларини теран англаган депутатларимиз фаол иш олиб бормоқдалар. Хусусан, уларнинг кўмаги билан Қўшқўпир тумани "Боғзор" ва "Шихобод" маҳаллаларини боғлаб турувчи "Довудкўл" кўпригини таъмирлаш ишлари олиб борилди. Бу ишларга бюджетдан бир миллиард икки юз миллион сўм маблағ ажратилди. Натижада аҳоли учун қулай шароит яратилди.

Хива тумани "Журён" кишлоғи, "Қумёп" маҳалласидаги Ҳазрати Хон Исмоил Эшон ота қабристонига туташган кўприк йиллар давомида каналнинг ён-атрофга ўпирилиши оқибатида ҳамда транспорт воситаларнинг ҳаракати натижасида жуда таъмирталаб аҳволга тушиб қолганди. Депутат Ж.Рўзимов томонидан туман ҳокимига депутатлик сўрови юборилди. Натижада қурилиш-монтаж ишлари тўлиқ низоҳасига етказилди, йўловчилар хавфсизлиги таъминланди.

Бундай мисолларни кўп келтириш мумкин. Умуман, йил давомида халқ депутатлари вилоят, туман-шаҳар Кенгашларига партияимиздан

сайланган депутатлар томонидан тегишли ташкилот ва ҳокимликларга 732 та депутатлик сўрови киритилган. Уларнинг 483 таси ижобий ҳал этилган. Қолганлари назоратга олинган.

– Бугун партиялар фақат тадбирлар ўтказиши эмас, балки халқнинг мушкуллини осон қилиши, уларни ўйлантираётган масалаларни чуқур ўрганиши, муаммоларга ечим топиши керак. Вилоят партия кенгаши бу борада қандай натижаларга эришмоқда?

– Жойларда бирламчи тиббий хизмат сифатининг пастлиги аҳолининг ҳақли эътирозига сабаб бўлмоқда. Ушбу соҳада қабул қилинган қонун ҳужжатларининг жойларда етарлича ижро қилинмаётгани асосий муаммолардан бири бўлиб, бу ҳолатдан биринчи навбатда, партияимиз электорати азият чекмоқда. Шунинг учун биз малакали тиббий хизмат кўрсатиш масалаларида депутатлик назоратини йўлга қўйиш борасида ҳам қатъият билан иш бошладик.

Қолаверса, вилоят бозорларидаги озиқ-овқат маҳсулотларининг нархларини ўрганиб бориш ишлари ҳам ташкил қилинган.

Шунингдек, кишлоқ аҳолисининг тоза ичимлик суви билан таъминланганлиги, аҳолини зарур дори воситалари билан таъминлаш ишлари таҳлилий ўрганилиб, муаммолар юзасидан тегишли ташкилотларга депутатлик сўровлари билан чиқилмоқда, натижадорлик қатъий назоратга олинмоқда.

Ўзбекистон ХДП Хоразм вилоят кенгаши келгуси йилда ҳам демократик, ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг фаол иштирокчиси бўлишига барча куч ва имкониятларини ишга солиб, белгиланган вазифалар ижросини таъминлашга астойдил ҳаракат қилади.

“Ўзбекистон овози” мухбири Гулрух ОДАШБОВА СУҲБАТЛАШИ.

ЁШЛАР КЕТАЁТГАН ВА КЕЛАЁТГАН ЙИЛЛАР ҲАҚИДА

«ЎЗБЕКИСТОН ДЕНГИЗГА ЧИҚИШИНИ КУТЯПМАН»

Санокли кунлардан сўнг Янги йилга қадам қўямиз.

Яқунига етаётган 2021 йилга яхши ният ва улкан режалар билан "Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили", деб ном берилган эди. Шу маънода ўтиб бораётган йилимиз ёшларга юксалиш, баланд марраларни забт этиш учун кенг имкониятлар эшигини очди. Ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайдиган, ҳаётда муносиб ўрин топиши учун кўмак берадиган яхлит тизим яратилаётир... Бу ҳақда узок гапириш мумкин...

2021 йил ёшлар вакилларининг нуқтаи назарида қандай ўтди? Яхшиликлар, кўнгил тўлмайдиган жиҳатлар нимада? Шу саволлар бўйича ёшларнинг фикрлари билан қизиқдик.



Рустам Исмоилов, талаба:

– Ўтаётган йилда шахсий ҳаётимда ўзгаришлар содир бўлди, шахс сифатида ўсдим, деб ўйлайман. 2021 йилда Олий таълим вазирлигидан биз, кечки бўлимда ўқийдиган талабаларга ҳам енгилликлар берилишини кутгандим, лекин натижа мен кутгандай бўлмади. Агар хабарингиз бўлса, кечки таълим шаклида ўқиётган талабалар стипендия олмайди, лекин улар кундузги таълим йўналишидаги стипендия олмайдиган талабалардан кўпроқ контракт тўлашади. Бундан ташқари, талабалар ижара ҳақининг бир қисми давлат томонидан қоплаб берилиши кўзда тутилган, лекин бу енгиллик кечки таълим шакли учун амал қилмайди. Бунга сабаб қилиб "кечки таълимдагилар ишлашади", деган вақтинчалик келтирилади. Ваҳоланки, кечки таълимда ўқийдиган талабаларнинг кўпчилиги, шахсан ўзим ҳам ишламайман.

Мен 2022 йилда Олий таълим вазирли-

гидан кечки таълим йўналиши талабаларига ҳам енгилликлар берилишини кутяпман, чунки биз ҳам ҳар куни кундузги йўналишдаги талабалар сингари дарсга борамиз. Фарқи – улар кундузи ўқишади, биз эса кечкурун. Биз ҳам талабамиз.



Дилноза Чоршанбиева, талаба:

– 2021 йил мен учун жуда омадли, янгилик ва таассуротларга бой йил бўлди, десам муболаға бўлмайди. Бу йил оила қурдим, институтни таъминладим ва магистратура учун Жанубий Кореяга грант ютдим. Ҳозир Кореяда таҳсил оляпман. Бу ердаги янгилик муҳит, янгилик ҳаёт тарзи, умуман, янги дунё биз шахс сифатида ўсишимиз ва етук кадр бўлиб етишимиз учун айна мўддао, деб ўйлайман.

2022 йилда чет давлатларга таълим грантлари сони кўпайишини кутяпман, чунки чет элда таълим олишнинг устун жиҳатлари кўп, деб ўйлайман. Чет элда

таълим олиб мутахассис бўлган кадрлар, шу жумладан, мен ҳам ўқишни тамомлаб, Ватанимга қайтман, давлатимиз раванқига ўз ҳиссамни қўшишга ҳаракат қиламан.



Ахрор Раҳмонов, талаба:

– Бу йил менинг шахсий ҳаётимда кўплаб ютуқ ва янгиликларга бой бўлганлиги билан ёдимда қолди. Президентлик сайловидаги сайловолди жараёнларини кутгандим ва ҳаммасини қузатиб бордим. Сайловдан олган хулосам шу бўлдики, аввалги сайловларга қараганда анча қизгин ва муҳокамаларга бой бўлди. Номзодларнинг дастурларини ўрганимиз, оригинал ёндашувлар борлиги хурсанд қилди. Мамлакатимиздаги сайловлар янада қизгин, тортишувларга бой бўлишини истайман.

Агар соҳамдан келиб чиқиб гапирсам, 2022 йилда битта катта қадам кутяпман. Ўзбекистоннинг жанубий қаридорлар орқали денгизга чиқиши учун бирорта амалий иш бўлиши мени қувонтирган бўларди.



Бекзод Усмонов, талаба:

– Мен таълим олаётган соҳада бу йил бўлган ўзгаришлар ҳақида гапиргим келади. Ўзгаришлардан бири – аҳоли саломатлиги бўйича тиббий база яратиш бошланди. Бундан ташқари, бизда ўқитиш методлари янгилашмоқда. Масалан, одам организмининг ўрганиш учун 3Д технологиялар олиб келинди. Биз бу технологияларда фойдаланяпмиз. 2021 йилдан тиббиёт соҳасидаги олий таълим

муассасаларига қабул квоталари сони ҳам оширилди.

Мен 2022 йилдан 2021 йилда бошланган баъзи ишларнинг тугаллигини кутяпман. Масалан, аҳоли саломатлиги бўйича яратилаётган тиббий базанинг тўлиқ тугаллигини... Шунингдек, тиббиёт йўналишидаги талабалар сифатли таълим олиши учун замонавий технологияларнинг янада кўпайишини кутяпман.

Яна, албатта, дарс жараёнлари бир смелани бўлса яхши бўларди. Сабаби – иккинчи сменада таҳсил олаётган талабалар беморлар билан ишлашга қийналишади. Чунки улар беморлар билан ишлаши керак бўлганда беморларнинг дам олиш вақти бўлади. Бу эса талабаларда амалиёт камлигига олиб келади.



Иброҳим Муроджон, талаба:

– 2021 йилда катта ўзгаришлар бўлди, жумладан, бир қатор лицензиялар бекор қилинди. Яъни, 1 январдан бошлаб ҳудудларда 266 турдаги лицензияларнинг 70 таси бекор қилинди ва бу одамларга қулайликлар яратди.

Паспортнинг ID картага алмаштирилиши. ID карта аҳоли учун жуда ҳам қулай ҳажмга эга ҳужжатга айланди. Шу қаторда унинг бир неча ноқулайлик туғдирадиган тарафларини ҳам санаб ўтса бўлади.

Биринчидан, кичкиналиги учун йўқолиб қолиш эҳтимоли катта.

Иккинчиси, «прописка» ёзилмагани учун масалан, алоқа компанияларидан рақам олишда қийинчилик туғдирапти.

2021 йилда менга энг ёққан янгилик бу хорижга ишлашга кетаётганларни мажбурий касб-хунарга ўқитиш бўлди. Ҳудудларда ўқитиш учун бир қанча мономарказлар ва касб-хунарга ўқитиш марказлари очилди. Ўзбек мигрантларини нафақат оддий қора ишчи, балки ҳақиқий мутахассис сифатида чет элга юбориш йўлга қўйилаётгани яхши, албатта.

Одамларга қулайлик ва енгиллик берадиган ишлар келгуси йилда ҳам амалга оширилишини кутяпман.

“Ўзбекистон овози” мухбири Аҳмад ҚУРБОНОВ ёзиб олди.

22-dekabr, chorshanba, 2021-yil.
№51 (32693)

УЛКАН ЛОЙИҲАЛАР ВА ҲОКИМЛАР МУРОЖААТИ

Йил якунлари билан жойларда шаҳар ва туманлар, вилоятлар ҳокимлар аҳолига муурожаатлар йўлламоқда. Шу муносабат билан АОКА томонидан пресс-турлар ташкил этилиб, журналистлар ҳудуд ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳамда маданий ҳаётининг жорий манзараси билан таништириляпти.

Чунончи, газетамиз мухбири Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятида бўлиб ўтган мана шундай тадбирларда иштирок этиб қайтди. Мазкур сессиялар ва ундан олинган таассуротлар битта мақолага сиғмайди, албатта. Келгуси чиқишларимизда тахлилий мақолаларни ўқийсиз. Боиси, сафардан қайтиб келиб, воқеликни ҳазм қилиб, барчасини бир зарбда ҳикоя қилиш, фикрларни жамлаб, муайян хулосалар берадиган умумлашма фикрларни айтишга фурсат бўлмади. Лекин, ҳарна эртарақ муштарийларимизга маълум қилайлик, деган истакда таассуротлардан бир шингилени ҳавола қиламиз.

ҚОРАСУВ – КЕЛАЖАК ШАҲРИМИ?

Самарқанд вилоятига медиа тур дастлаб Қорасув массивидан бошланди. У ерда кўп қаватли уйлар қурилаётган бўлиб, оппоқ ранги, муҳташам кўриниши билан қадимий шаҳарга замонавий кўриниш бағишлаб турибди.

Маълумки, Самарқанд шаҳрида бугун 550 минг 800 нафар аҳоли истиқомат қилади. Шунга кўра, аҳолини замонавий уй-жой билан таъминлаш масаласи долзарб. Жорий йилнинг ўзига Самарқанд шаҳрининг "Қорасув" массивида 10 та 16 қаватли, 928 хонадонли турар жой биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди. 2022 йилнинг биринчи чорагида эса 3 та 16 қаватли ва 2 та 25 қаватли турар жой бинолари фойдаланишга топширилиши режалаштирилган.

Бу уйларнинг қурилиш услуби, қўлайлиги, шарт-шароитлари билан танишар эканмиз, қаршимизда буй чўзаётган бинолар қадимий шаҳарнинг истикболи ҳақида ёрқин тасаввур беради.

МАКТАБИДА ҲАММАНДАН ГЎЗАЛ ЭДИНГ, АГАТ9

Бизни шу атрофдаги мактабга таклиф этишди. Қурилиш майдончасидаги ёлғиз мактаб, гуриллаб фаолият кўрсатишни бошлаган таълим маскани – минг уйлик "Қорасув"нинг доврўига яраша муҳташам, ўта замонавий.

Мактаб 2021 йилнинг март ойида Инқирозга қарши курашиш жамғармасининг 32 миллиард сўм маблағи ҳисобига қурилиб, шу йилнинг 6 сентябрида фаолиятини бошлаган. Умумий ўқувчи сигими 1680 ўринли, ҳозирги кунда 67 та синфда 2334 нафар ўқувчи таълим олмақда. Таълим ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болалар учун 1-синфдан инклюзив таълим дастури асосида ўқитиш йўлга қўйилган. Ҳозирги кунда 3 нафар бола инклюзив таълим дастури асосида ўқитилмоқда.

Ўқувчиларни касбга ўргатиш мақсадида ўғил ва қиз болалар учун 2 та технология хонаси, биология, кимё ва физика фанларидан 6 та лаборатория хоналари, 2 та компьютер ва 4 та чет тили фан хоналари, 168 ўринли фаол зал, 200 ўринли ошхона мавжуд. Юқори ва бошланғич синф ўқувчилари учун 2 та спорт зали, 5 та очик спорт майдонлари мавжуд.

Мактаб чоғларим эсимга тушди. Саккизта АГАТ9 русумли компьютер бўлиб, ҳаммамиз унга сеҳрли қўтичадек термулардик. Нима иш қилиш мумкинлигини тушунмасдик. Устозимиз ҳам тушунтириб беролмасди. Муҳими, мактабимизда компьютер борлигини айтиб мақтанардик. Ва бўлди. Бошқа ҳеч нима. Бу ерда эса ўша ёқимсиз таассуротларим парчаланиб кетди. Энг замонавий компьютер ва уни бошқаришни "сайратиб" ташлаётган Самарқанд олтинбошлари... Мана бунга таълим деса бўлади!

ЭНГ МУҲИМИ – СОҒЛИҚ, ҚОРАКЎЗЛАР

Шунингдек, янги қад ростлаётган Республика шошилинч тез ёрдам илмий маркази Самарқанд филиали биноси билан танидик. 2022 йил март ойида очилиши режалаштирилган мазкур бино 330 ўринга мўлжалланган. Оғир аҳволда ётқизиладиган беморлар учун 45 ўринли алоҳида реанимация бўлими бор. Мазкур тиббиёт муассасасини қуриш ва жиҳозлаш учун 108 миллиард сўм маблағ ажратилган.

Бутунжаҳон тараққиёт банкнинг шошилинч ёрдамни ривожлантириш лойиҳаси асосида 3 миллион 513 минг 300 АҚШ доллари ажратилган. Мазкур маблағга МСКТ, ангеограф, замонавий эндоскоплари, УТТ аппаратлари, лапароскоплар, лаборатория аппаратлари ва бошқа янги технология олиб келиш режалаштирилган.

Яна бир муҳим рақам. 2021 йил РШТЭИМ Самарқанд филиали учун бюджет орқали 278 420 000 сўмга янги аппаратура ва асбоб-ускуналар олинган.

Уйлар керак, мактаблар керак, шароитлар керак. Аммо, ҳаммасидан бурун соғлиқ керак, қоракўзлар. Самарқандда кўрдикки, ҳали уй-жойлар қурилиши тўлиқ битказилмасдан бурун, аввало, таълим даргоҳи, сўнгра энг замонавий тез тиббий ёрдам маркази қурилиши бошланган.

ТУРДИМОВ НЕМИСЛАРИ

Самарқандга борган журналист "Ургут" эркин иқтисодий зонаси билан танишмай қайтар экан, нимадир кенгайтириб бўлиб қолаверди. Дейдиларки, марварид гўзал, уни бир ипга тизсанг янада гўзал бўлади. Шу маънода "Ургут" эркин иқтисодий ҳудуди Самарқанд салоҳиятини бир ипга тизиб, марварид сингари сайқал топиб, жаҳон бозорига йўл, восита бўлибди. Бу ҳақда



кейинроқ, ҳозирча Ургут мўъжизасига тўхталмай турамиз.

Самарқанд кўчалари бўйлаб юрарканмиз, "Бустонсарой" ва Рўдакий кўчалари кесимида янги йўл ўтказиш кўприк қурилаётгани, ишлар жадал суръатда олиб борилаётганини кўрдик. Одамлар кўп, техникалар ундан ҳам кўп, ҳамма соат милдек аниқ ҳаракат билан иш олиб бораёпти. Қурилишлар кўп. Аммо сифат-чи?

Вилоят ҳокимининг маслаҳатчиси Манучеҳ Мирзаевнинг айтишича, немисларда кўп гап бор. Жаноб Турдимов қурилиш ишлари сифатини назорат қилиб бориш, вилоят ҳокимига хулоса бериш учун немис мутахассисларини жалб қилган экан. Табиатан пишиқ-пухта, барча аниқ меъёрларни яхши кўрадиган немислар бюджет пулларига қурилган объектларнинг сифатини қурилиш жараёнида кўриб, кузатиб борар, яқунда ҳам улар қабул қилиб оларкан. "Ман-ман" деган қурилиш ташкилотлари ҳам "Турдимов немислари"дан чўчиб, ишни сифатли бажаришга тиришар экан. Бу ҳам бир услуб, ёлғон рапортлар, сифатсиз ишларга қарши курашишнинг самарали усули. Нима десангиз, денг, тан бердим.

МУРОЖААТНОМА ФАЛСАФАСИ

Кун ботди, қош қорайди, аёз жунжиқтиради, қорли чўққиларда оппоқ қор йилтириб туради, Самарқанд жамоаси журналистларни қўйиб юборгиси келмайди. "Инсофларинг борми", дейишга уялдиқ, нафисларини айтганда, бундай миқёсли мушоҳадаларга етаклайдиган элик воқеликлар билан танишиш ўзимизга ҳам ёқаётган эди. Энг охири Нуробод туманида бўлдиқ ва ноёб иккита лойиҳа билан танидик...

Самарқанд вилояти ҳокимлиги фаоллар зали. Ҳозиргина Эркинжон Турдимов аҳолига муурожаатини ўқиб эшиттирди. Соатга қарайман: маъруза бир соат-у йигирма дақиқа давом этди. Дастурий нутқда ҳудуднинг барча жиҳатлари қамраб олинди, фақат... Бу ҳақда кейинроқ.

Ҳокимнинг сўзлари, фикрлари, келтирилган фактлар, истиқбол режалар шунчаки ҳайратланарли. Эркин Турдимов муурожаатини "Ғарбда Рим, Шарқда Самарқанд илм-маърифат маркази", деган қадимий, машҳур ибора билан якунлади.

Ташунтираман. Самарқандда бугун 13 та олий ўқув юрти бор. Уларда 63 минг нафар талаба ўқийди. Айна пайтда 17 минг нафар талабанинг уй-жойга эҳтиёжи бор. Биз агар таълим олаётган ёшларга шарт қилиб бермасак, бошқа ҳамма ишларимиз чаппасига кетади, деди вилоят ҳокими.

"БУ БИНОДА ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ИШЛАГАН"

Пресс-тур иштирокчилари Самарқанддан чиқиб, Жиззахга йўл олдиқ. Шароф Рашидов номидаги марказий кўчадамиз. Йўллар кенг ва озода, бино ва иншоотлар яйраб турибди. Самарқандда кўрганамиз зичлик, тиқилинч йўқ. Умуман, Жиззах шаҳрини Самарқанд билан таққослаб бўлмайди. Самарқанд шаҳрида қарийб миллион салмоқли аҳоли яшайди, Жиззахда эса 200 минг нафар аҳоли истиқомат қилади.

Халқ депутатлари вилоят Кенгаши жойлашган бинодамиз. Кенгаш котибияти, доимий комиссиялар учун алоҳида хоналар ва зўр шароитлар қилиб берилди. Шаҳар ҳавоси тоза, оқ салла ўраган пуर्वикор тоғлар кўриниб турибди. Катта арча ўрнатилган. Янги йил шукуҳи сезилади ҳар қадамда.

Халқ депутатлари вилоят Кенгаши котибияти мудир Нодира Каримова Кенгашнинг янгиланган биноси билан таништирар экан, охирида ғурур ва ифтихор билан қўшимча қилди: "Биласизларми, бу бино илгари вилоят ҳокимлигининг биноси бўлган. Президентимиз Жиззахда ҳоким бўлганларида, шу бинода ишлаганлар..." Бўлди. Шу билан биз учун бу муҳташам ва озода бино янада файзли, қадрдон масканга айланди.

"ВЕЛОТРЕК" ВМХ – ФОЙДАСИ КЕЙИН МАЪЛУМ БЎЛАДИ

Жиззах шаҳрида жойлашган Ўрта Осиёда ягона ҳисобланган спортнинг велотурига ихтисослашган ВМХ майдони "Сангзоркўл"нинг 4

ёрқин рангларда бўлиб, чиройи кўзни қамаштиради.

ГИГАНТ ИССИҚХОНА

Аҳолининг банд бўлмаган қатламини иш билан таъминлаш ҳамда тупроғи ёмон ер майдонларидан унумли фойдаланишда иссиқхоналар ташкил этилаётганлиги муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, замонавий гидропоника усулидаги иссиқхоналар қишин-ёзин ҳосил олиш имконини бераёпти.

"Эко Гранд Фруитс" МЧЖ томонидан Янгиер шаҳридаги унумдорлиги паст бўлган ўн гектар майдонда барпо этилган иссиқхонада 100 дан зиёд иш ўринлари яратилган. Тадбиркор Холмат Ғафуров қиймати 10 миллион АҚШ долларлик иссиқхона Туркия технологиясига асосан замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Мажмуада бодринг, помидор каби полиз экинлари етиштирилиб, йилига 2 минг тонна маҳсулот экспорт қилинади.

ЯНГИЕР – МИРЗАЧЎЛ ДАРВОЗАСИ

Мирзақўлнинг остонаси Янгиер шаҳри бугун аввалги шўхрати, салоҳиятини тиклаб бормоқда. Бунда "Янгиер эркин иқтисодий зонаси" асосий ўрин тутди. Бугун айна жойда 10 та корхона фаолият олиб бормоқда.

Жумладан, "Янгиер Флоур трейдинг" МЧЖ таъсисчиси хорижий инвестор Амели Шафиқ томонидан 3,5 миллион АҚШ долларлик сармоя киритилиб, 2,7 миллион АҚШ доллари қийматидаги замонавий жиҳоз ва асбоб-ускуналар ўрнатилган. Беш гектар майдонда жойлашган ун маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхонада бир мавсумда 19 минг тонна тайёр маҳсулот экспорт қилинади. Корхона ишга тушиши билан 50 нафар маҳаллий фуқароларнинг бандлиги таъминланган.

ЎЗБЕКИСТОНДА ЯГОНА БЎЛГАН ТИББИЁТ КЛАСТЕРИГА САЁҲАТ

Пресс-тур иштирокчилари вилоятда тажриба синов тарихисига жорий этилаётган "Гулистон тиббиёт кластери"нинг дастлабки босқичи бўйича қилинаётган ишлар билан танидиклар.

Бугунги кунда кластернинг бизнес-режаси тўлиқ ишлаб чиқилиб, кенг қўламли ишлар бошлаб юборилган. Лойиҳа ниҳоясига етказилгач, вилоятдаги 6 та тиббий муассаса, яъни вилоят кўз касаликчилари, уруш ва меҳнат фахрийлари шифохоналари, вилоят эндокринология диспансери, вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази, Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Сирдарё филиали ҳамда вилоят диагностика маркази "Гулистон" тиббиёт кластери таркибига ўтказилади ва улар бир жойда, ягона бошқарув асосида фаолиятини бошлайдил. Айна пайтда ҳудудда гематология, гастроэнтерология, пульмонология, неврология, ревматология бўлимлари учун 100 ўринли бино қурилмоқда.

Ғофуржон МИРЗАЕВ: "СИРДАРЁЛИКЛАР ҲАМ ТРИЛЛИОН-ТРИЛЛИОН СЎМЛИК ДАРОМАД ҲАҚИДА ГАПИРА БОШЛАДИ"

Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг сессияси аввалда вилоят ҳокими қурилиш соҳасига кенг тўхталди. Вилоят ҳокими Сирдарё жамоатчилигини, ҳуқуқ-тартиб идораларини сифатсиз қурилишлар, ёлғончи қурувчилар, ишни чала ташлаб кетадиганларга қарши аёвсиз курашишга қақирди.

Сирдарёда энг жадал ривожланаётган соҳа IT экан. Айна пайтда Сирдарёда 31 минг ёш йигит-қиз "Бир миллион дастурчи" лойиҳасида иштирок этаёпти. Жорий йил ташкил этилган биргина мўъжаз IT мактаби ёшлари 500 миллион сўмлик дастурий маҳсулот сотишга эришгани истикболли кадрлар кўплигидан далолат беради, деди Ғофуржон Мирзаев. Назарда тутиш керакки, бу янги соҳалар. Сирдарёда илгари ривожланмаган йўналишлардир.

Вилоят раҳбари яна бир оғриқли рақамга тўхталди. Бугун 2 минг нафар Сирдарё ёшлари чет элга ишлаш учун кетган. Ҳокимнинг сўзларига кўра, уларнинг салмоғи йилдан йилга камайиб бораёпти. Ватанга қайтганларга ўша чет элгаги ойлиқига яқин миқдорда иш топиб бериляпти.

Ён дафтаримда эса вилоят ҳокимининг сўзларидан иқтисоблар қайт этиб олдим: "Икки йилда Сирдарё тўлиқ сановатлашган ҳудудга айланади"; "Яқин икки йилдан сўнгра, Сирдарё вилояти Ўзбекистондаги жами электр энергиясининг 54 фоизини ишлаб чиқаради. Йирки лойиҳа қурилиши бошланган"; "Отанг мироб бўлса ҳам, еринг сувнинг бошида бўлсин. Энергия билан узлуксиз ва замонавий шаклда таъминланган ҳудудда ривожланиш бўлади. Инвестиция ҳам оқиб келади, кўрасизлар"; "Сирдарё оғизга тушди, ривожланиш тезлигини ҳамма эътироф этаёпти. Лекин, чемпион бўлиш осон, чемпионликни ушлаб туриш қийин"; "Сардоба фожеаси кўрсатдики, буюк халқимиз бор. Бизнинг халқимиз синовли, оғир дамда қандай мустаҳкам бирлаша олшини ҳамма кўрди. Алоҳида айтмаймики, шундай халқимизга энг муносиб етакчи, ўз халқига меҳрли Президентимиз бор. Биз сирдарёликлар ўша кунлардаги ёрдам, қўллов учун халқимизга таъзим қиламиз, раҳмат айтаемиз".

Саид БОБОЕВ,
журналист.

Давлат ташкилотларида аёллар ролини ошириш, лидерлик сифатларини ўстириш муҳим ҳисобланади.

22-dekabr, chorshanba, 2021-yil.
№51 (32693)



МАРКАЗИЙ ОСИЁНИНГ ФАОЛ АЁЛЛАРИ

Йил якунлари, келгуси режалар ҳақида мулоқот қилди

Марказий Осие мамлакатлари етакчи аёллари мулоқоти раислиги Ўзбекистонга топширилган эди. Жорий йил давомида минтақадаги хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳар бир соҳадаги фаоллигини ошириш ҳамда барқарор ривожланиши билан боғлиқ қарорлар қабул қилишга қаратилган қатор тадбирлар ташкил этилди. Кеча пойтахтимизда бўлиб ўтган мулоқотда ўтаётган йил сарҳисоб қилинди. Соҳалар кесимида институционал ривожланиш истиқболлари кўриб чиқилди. Дунёнинг турли минтақаларидаги етакчи аёлларнинг уюшмалари билан ҳамкорлик қилиш масалаларида сўз борди.

Олий Мажлис Сенати раиси, Марказий Осие мамлакатлари етакчи аёллари мулоқоти раиси Танзила Норбоева дунёдаги нотинчлик сабаб ҳар бир давлат жуда эҳтиёткорлик билан, пухта ўйлаб иш тутиши кераклигини таъкидлади. Мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида аёллар ўзaro ҳамкорлиги ҳам муҳим аҳамиятга эга экани қайд этилди.

Танзила НОРБОЕВА,
Олий Мажлис Сенати раиси,
Марказий Осие мамлакатлари етакчи аёллари мулоқоти раиси:

— Ўзбекистон раислиги доирасида Марказий Осие мамлакатлари етакчи аёллари мулоқотини минтақадаги аёллар ўртасида ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган самарали маслаҳатлашувлар майдонига айлантириш учун барча саъй-ҳаракат амалга оширилди. Минтақавий етакчи аёллар бирлашмаларининг аёллар иштироки ва етакчилигини кенгайтириш борасидаги тажрибаларни ўртоқлашиш, доимий алоқаларни мустақамлаш муҳим саналади. Асосийси, 2022

йилда мулоқотнинг устувор йўналишлари ва унинг институционал ривожланиш истиқболларини таъминлаш йўлида фаолиятимизни кучайтиришимиз зарур.

Барқарор ривожланиш биринчи ўринда хотин-қизларнинг превентив дипломатиядаги иштирокини кенгайтириш каби долзарб йўналишни ўз ичига олади. Шу билан бирга, давлат ташкилотларида аёллар ролини ошириш, лидерлик сифатларини ўстириш муҳим ҳисобланади. Аёллар тадбиркорлиги, таълим, ёшларнинг салоҳиятини ошириш, мулоқотдаги ҳамда дунёнинг бошқа мамлакатлари хотин-қизлари ўртасидаги халқаро ҳамкорликни кенгайтириш каби йўналишларда ҳам долзарб вазифалар бор. Жорий йилда барча йўналишларни қамраб олишга ҳаракат қилдик.

Хусусан, Ўзбекистон раислигида мулоқот доирасида 12 та тадбир ўтказилди. Уларнинг якунларида кўра, 8 та ҳужжат ва йўл хариталари қабул қилинди. Буларнинг борчаси бизнинг платформани янги босқичга олиб чиқишда жуда муҳим. Лекин уларда келтириб ўтилган мақсадлар, вазифалар ва устуворликлар Марказий Осиедаги барча давлатлар ҳужжатларида акс этиши лозим. Ана шунда биз кўзлаган, орзу қилган жамият язага келади, унинг давомийлиги таъминланади.

Саида МИРЗИЁЕВА,
Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси Кенгаши раиси ўринбосари:

— Охириги йилларда авваллари фақатгина эркаклар ишлаши керак, деб қаралган йўналишларда, яъни IT, муҳандислик ёки қишлоқ ҳўжалигида хотин-қизлар фаоллиги

ошиди. Бунга эса кредитлаш ва аёлларни тадбиркорликка манзилли ўқитиш сабаб бўлди. Барча чора-тадбирлар давлат сиёсатининг устувор йўналишлари сифатида баҳоланди ва шу таҳлид амалга оширилмоқда. Халқаро ташкилотларнинг маълумотларига кўра, хотин-қизлар орасидаги ўз ишини бошлашга тўсқинлик қилувчи омиллардан бири ўзига бўлган ишончнинг йўқлигидир. Хусусий мулкдаги улушнинг камлиги, инфратузилма ресурсларига эришишнинг ёмонлиги каби объектив сабаб туфайли аёллар ўз йўлида кўплаб тўсиқларга дуч келади. Хавотиримиз шундаки, бу каби омиллар яқин келажак учун турли салбий оқибатларни келтириб чиқариши мумкин. Шу боис, минтақавий ҳамкорлик биз учун айни пайтда ҳар қачонгидан-да муҳим саналади.

Ҳозир ва шу ерда тенглик тушунчасининг янги қарашларини яратамиз. Хотин-қизларнинг барча соҳаларда тенглигини таъминлаш ва манфаатларини оширишда вазифамиз улкан. Демак, кўпроқ ёшларни ҳамкорлик ишларига жалб қилишимиз лозим. Чўқур илдиш отиб кетган хурофотлар ҳаттоки, энг пухта ўйланган сиёсатга ҳам болта уриши мумкин. Бу йил парламентдаги ёш лидер қизлар учун ташкил этилган мактабларни ҳўдулар учун алоҳида йўлга қўйишни таклиф этаман. Бу аҳоли, хусусан, ёшлар орасида тенглик масаласида ғоялари шаклланишига хизмат қилади. Йигит-қизларни кўпроқ ўқитиш, уларга ўргатиш талаб этилади. Чўқур бугунги тўпланган тажриба келажак учун муҳим саналади ва айнан улар тенг ҳўқуқлилик бўйича ўз овози, фикри ва қарашларини айтишга кўпроқ ҳўқлидир.

Малика ҚОДИРХОНОВА,
Олий Мажлис Сенати Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси раиси:

— Давлатимиз ҳамиша халқаро ҳўқуқ меъёрларига амал қилишга устуворлик билан ёндашади. Ёш авлод ҳам ана шундай масъулиятни ҳис қилишини жуда истардик. БМТнинг инсон ҳўқуқлари бўйича ҳўжжатлари келгуси йил учун устувор вазифаларни белгилашда дастуруламал бўлиши керак. Қизларнинг билим олиши учун чинакам имкониятларни яратиш бериш ва уларнинг иқтидорларини рўёбга чиқара олиш асосий вазифаларимиздан бўлиб қолаверади. Ижтимоий-иқтисодий, маданий ёки сиёсий тўсиқларга чек қўйиш фаолиятимизнинг асосини ташкил этмази зарур.

Аида ҚАСИМАЛИЕВА,
Қирғизистон Республикаси Жогорку Кенеш Торағаси вазифасини бажарувчи:

— Қирғизистонда ҳам аёллар мулоқоти хотин-қизларнинг бирлашиши учун катта туртки берди, деб айта оламан. Етакчи аёллар парламентда, фуқаролик йўналишида, тадбиркорликда, умуман, ҳар бир йўналишда бор. Зиммамизда турган вазифа эса уларга мақсадларимиз, нимага эътибор қаратаётганимизни тўғри ва чўқур етказишдан иборат. Чўқур пандемия хотин-қизларнинг даромади камлиги, ижтимоий ҳимоя масалаларидаги камчиликларимизни кўрсатиб қўйди. Шу боис режадаги келишув ва меморандумларнинг ҳўётга тадбиқ этилишида фаоллик кўрсатишимиз шарт, деб ҳисоблайман.

Балаим Кесебаева,
Қозоғистон Республикаси Парламенти Мажлиси Раисининг ўринбосари:

— Замонавий ҳақиқатлар жамиятда лидер аёллар ўрни нақадар муҳим эканини кўрсатиб қўйди. Чўқур улар хотин-қизларга нисбатан зўравонлик масалаларига ечим, эътибор талаб қила олади. Афсуски, бу каби таъйиқ ва таҳқирлашлар ер юзиде ҳўк сурган локдаун давомида яққол кўзга ташланди. Даромадининг камлиги, таълим олиш имконияти ва бошқа ижтимоий имтиёзларнинг чеклангани айнан пандемия кўрсатиб берди. Бу масалалар Марказий Осие минтақаси учун ҳам бегона эмаслиги намоён бўлди. Зеро, айнан ушбу минтақада гендер тенглиги билан боғлиқ масалаларда ҳали ҳам камчиликлар, муаммолар бор. Унинг таркибадаги мамлакатлар БМТнинг мазкур йўналишдаги лойиҳаларида фаол иштирок этиб келмоқда. Ўйлайманки, бунга нафақат минтақавий, балки глобал миқёсдаги масала сифатида қарашимиз, ёндашишимиз лозим. Ташаббусларимиз ҳам глобал даражада бўлишини таъминлашимиз талаб этилади. Ана шунда бугун биз самарадор, деб баҳолаётган ишларимиз янада яхши натижа беради, давомийлик ҳамда тизимлилик юзага келади.

Мулоқотда БМТ Бош котибининг Марказий Осие бўйича махсус вакили, БМТнинг Марказий Осие учун превентив дипломатия бўйича минтақавий маркази раҳбари Наталья Герман, "БМТ-Аёллар" тузилмасининг Европа ва Марказий Осие бўйича минтақавий офиси директори Алия Эль-Яссир ҳамда қатор халқаро ташкилотлар раҳбарлари, давлат ва нодавлат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Овоз бериш йўли билан 2022 йилда Марказий Осие етакчи аёллари мулоқотидаги раислик Туркменистон Республикасига топширилди.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,
"Ўзбекистон овози" мўхбири.

КИЧКИНА БЮРОКРАТ

БУГУН ТАДБИРКОРЛИК ҚИЛИШ УЧУН БАРЧА ИМКОНИЯТ ЭШИКЛАРИ ЛАНГ ОЧИЛГАН. ХОҲЛАСАНГИЗ, УЙИНГИЗДА ТАДБИРКОРЛИК ҚИЛИНГ. ФАҚАТ ТУРАР ЖОЙИНГИЗНИ НОТУРАР БИНОГА АЙЛАНТИРИБ, ҚОНУНИЙ РУХСАТ ОЛГАН ҲОЛДА БИЗНЕСИНГИЗНИ ДАВОМ ЭТТИРИНГ. КўПЧИЛИК ТАДБИРКОРЛАРГА ШУНДАЙ ЙўЛ ТУТИШ МАҚБУЛ ҲАМ БўЛМОҚДА. БИРОК, ҲАДЕГАНДА БУ ЙОМУШ ОСОН БИТАВЕРМАС ЭКАН.

"Турар жой бузилади". Масъулият чекланган жамиятнинг мурожаатига Яккасарой туман қурилиш бўлими мутасаддилари худди шундай жавоб йўллашди. Ҳўш, мазкур мурожаатга берилган рад жавоби қонунийми?

2021 йил 5 августда Масъулият чекланган жамият вакиллари Шайхонтохур тумани давлат хизматлари маркази орқали корхонага тегишли турар жой биносини тўлалигича "Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш" сифатида нотурар жой тоифасига ўтказишга рухсат сўраб, объектни қайта ихтисослаштириш ва реконструкция қилишга рухсатнома олиш учун ариза берган. Ваколатли идора мутасаддилари, яъни Тошкент шаҳар Қурилиш бош бошқармаси Яккасарой тумани, Глинка кўчасида жойлашган Масъулият чеклан-

ган жамиятга тегишли кўчмас мулк объектнинг ҳўжжатларини кўриб чиқиб, асоссиз ваъжлар билан рад жавобини берган.

Ваҳоланки, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 18 майдаги 370-сон қарори билан тасдиқланган Объектни қайта ихтисослаштириш ва реконструкция қилишга рухсатнома олиш учун рухсатнома бериш бўйича давлат хизматларини кўрсатиш маъмурий регламентининг 21-бандида ваколатли орган бино ва иншоотнинг деворлари режаси, кесими (мавжуд бўлса), фасад ва кадастр паспорти нусхалари келиб тушгандан сўнг тўрт иш кўни мобайнида ушбу регламентнинг 3-иловасига мувофиқ шакл бўйича QR-код (матрикс штрихли код) қўйилган рухсатнома бериши ёки рад этишининг аниқ сабабларини ва қонунчилик



нормаларини кўрсатган ҳолда рухсатнома бериши рад этиши кўрсатилган.

Мазкур қонун бузилиши ҳолати юзасидан Давлат хизматлари агентлиги Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан Яккасарой туман қурилиш бўлими масъул ходимига нисбатан жорий йилнинг 4 ноябрь кўни МЖТКнинг 2155-моддасига асосан маъмурий жазо чораси қўлланилди.

Бирок, қурилиш тизимидаги мутасаддиларга жазо чораси ҳам қор қилмади.

2021 йил 11 ноябрь кўни Яккасарой тумани, Глинка кўчасида жойлашган турар жой биноси нотурар жой тоифасига қайта ихтисослаштириш учун Шайхонтохур тумани Давлат хизматлари маркази орқали қайта ариза йўллаганида ҳам Яккасарой туман қурилиш бўлими томонидан юқорида қайд

этилган регламент талабларига зид равишда "худди ўша мутасадди раҳбар" томонидан рад жавоби берилади.

Бу не ҳолат? Қизик. Тадбиркор ариза ташлайди, мутасадди "уйинг бузилади", қабилида рад жавоби қайтараверса... Балки, рухсат олишнинг бошқа йўллари бордир? Мурожаатга такрор ва такрор ноқонуний, асоссиз рад жавоби берилаётгани учун жорий йилнинг 30 ноябрь кўни Тошкент шаҳар Қурилиш бош бошқармасига огоҳлантириш берилганидан сўнг тадбиркор мурожаат ижобий ечим топди. Масъулият чекланган жамиятга тегишли турар жой биноси тўлалигича "Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш" сифатида нотурар жой тоифасига ўтказишга рухсат берилди. Тадбиркор кўлига объектни қайта ихтисослаштириш ва реконструкция қилиш учун рухсатнома теғди.

Хулоса ўзингиздан.....

Ойбек ҲАКИМОВ,
Давлат хизматлари агентлиги Тошкент шаҳар бошқармаси етакчи маслаҳатчиси.

ЖИНОЯТГА ЖАЗО МУҚАРРАП

"САЛЮТ" СОТИЛМАДИ

Фаррух Юлдошев (исми ва фамилияси ўзгартirilган) жуда кўп миқдордаги четдан келтирилган пиротехника воситалари ҳамда тамаки маҳсулотларини қонунга хилоф равишда муомалага киритиш мақсадида уйда сақлаган. Тезкор маълумотлар асосида у яшаётган Миробод тумани "Қўйлиқота" кўчасидаги хонадон кўздан кеңирилганда хорижда ишлаб чиқарилган 24 хил турдаги, жами 11 137 қўти пиротехника воситалари 18 турдаги 2427 қўти тамаки маҳсулотлари далилий ашё сифатида олинди.

Чет элдан ноқонуний ҳамда инсон ҳаётига ҳавф солувчи пиротехника воситаларини олиб кириш таъқиқланганини Ф.Юлдошев билмаган, десак нотўғри бўлади. Негаки, ҳар йили янги йил байрами арафасида оммавий ахборот воситаларида "пақ-пақлар" оқибатида қанчалаб ёш болалар жароҳат олаётганлиги, ҳатто бир умрга ногирон бўлиб қолаётганлиги ҳақида кўп хабарлар берилади. Аммо судланувчи бида туриб, даромад олиш мақсадида қинғир ишга қўл урган. Тезкор ходимлар унинг уйига боришганда ҳам қонунга хилоф ҳеч қандай товар моддий бойликлари йўқлигини таъкидлаган. Холислар иштирокида ўтказилган текширишда унинг гапи ёлғон бўлиб чиқди. Хонадон ертўласида сақланаётган хорижда ишлаб чиқарилган пиротехника воситаларининг ҳўжжати бор-йўқлиги, нима мақсадда сақланаётганлиги сўралганда бошини эғди.

Фаррух Юлдошев содир этган жинояти учун суд олдида жавоб берди. Унга уч йил олти ой муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинланди. Табиийки, суд ҳўкми билан пиротехника воситалари ҳамда тамаки маҳсулотлари белгиланган тартибда йўқ қилинди.

Мирусмон ГИЯСОВ,
Жиноят ишлари бўйича Миробод туман судининг судьяси.

22-dekabr, chorshanba, 2021-yil.
№51 (32693)

САРҲИСОБ ВА МАҚСАДЛАР



Яна бир йил якунига етиб бормоқда. 2022 йилни кутиб олишга ҳам оз кунлар қолмоқда. Мана шундай пайтларда йил давомида амалга оширилган ишларни сарҳисоб қилиш ва шу билан бирга халқимизга хос бўлган яхши ният ҳамда эзгу орзу-мақсад, режалар билан Янги йилни кутиб олишга ҳозирлик кўрилади. Қорақалпоғистон Республикасининг Беруний тумани ҳокими Атабек Сапарбоев билан бўлган суҳбатимиз ҳам ана шу ҳақида бўлди.

— Беруний қадим ва бой тарихга эга бўлган туман ҳисобланади, — дея суҳбатни бошлади ҳоким. — Туманимизда Абу Райхон Берунийдек улуғ алломанинг таваллуди топгани бизга ҳамisha фахр бағишлайди. Хабарингиз бор, ЮНЕСКО ижроия кенгашининг 211-сессиясида буюк олим таваллудининг 1050 йиллиги ЮНЕСКО шафелигида 2022-2023 йилларда кенг нишонланиши бўйича қарор қабул қилинди. Албатта, дунё миқёсидаги мана шундай нуфузли тадбирнинг нишонланиши биз, берунийликларга гурур бағишлайди. Шу билан бирга улкан масъулият ҳам юклайди. Зеро, Абу Райхон Мухаммад ибн Аҳмад Беруний дунёга машҳур бўлиб, бу зот дунёга келган ва номи берилган туманимизда бу тантананинг шукӯхи, тайёргарлиги ўзгача бўлажак.

Беруний бобомиз ўрта аср қомусий билимлар донишманди, астрономия, математика, фалсафа, жўғрофия, этнография, антропология, геология, тарих, ботаника, фармакология фанларининг олими ва инсонпарвар шахс бўлган. Улуғ зот 973 йилнинг 4 сентябрида Хоразмнинг қадимий пойтахти Кат шаҳри, ҳозирги мана шу Беруний шаҳри яқинида таваллуд топган. Олим математика ва астрономия каби фанларнинг ривожланишига, шу жумладан, сайёралар жойлашувини ҳисоблаб чиқишни осонлаштириш учун астрономик параметрларнинг назарий ҳосиласи ва жадал функцияларини ишлаб чиқишга катта ҳисса қўшгани билан ҳам жаҳон тарихида муносиб ўринга эга. Маълумотларга кўра, Беруний 150 та яқин асарни яратиб, ўз давридаги

аниқ, табиий ва ижтимоий фанларнинг деярли барча соҳаларига тааллуқли катта илмий мерос қолдирди. Беруний асарлари кўплаб тилларга таржима қилинган ва шу кунгача ҳам ўз долзарблигини сақлаб қолган.

Албатта, ушбу тарихий санани улуғ аждодимизнинг юксак мақомига муносиб равишда кенг нишонлашимиз лозим. Айни пайтда бу борада туманимизда катта тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда.

— Мана, 2021 йил ҳам тарих саҳифаларига муҳрланмоқда. Поёнига етаётган йил Беруний тумани ижтимоий-иқтисодий ҳаётида қандай из қолдирди?

— Бутун мамлакатимизда бўлгани каби Президентимиз томонидан олиб борилётган Янги Ўзбекистондаги изчил ислохотларга ҳам-оҳанг равишда Беруний туманида ҳам кўплаб ишлар амалга оширилди. Бунинг натижасида иқтисодий самардорлик кўрсаткичлари жорий йилнинг 9 ойи давомида туманда жами 312,7 млрд. сўмлик sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, 2020 йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 110,1 фоизни, республикадаги улуши 2,7 фоизни ташкил қилди.

Худудий корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган sanoat маҳсулотлари 108,9 млрд. сўмни ташкил этиб, республикадаги улуши 1,3 фоизга етди.

Туман sanoatни худудий sanoatнинг улуши 34,8 фоизни ва аҳоли жон бошига 558,4 минг сўмни, хизматлар соҳасида эса 349,0 млрд. сўмни, 2020 йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 119,9 фоизни ташкил

қилди. Қурилиш ишлари ҳажми 171,1 млрд. сўмни, 2020 йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 104,4 фоизни ташкил қилди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 876,8 млрд. сўмни, 2020 йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 104,0 фоиз бўлди.

Жорий йил якуни билан sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқариш 111,0 фоизга, хизматлар ҳажми 121,0 фоизга, чакана savdo айланмаси ҳажми 110,0 фоизга, қурилиш ишлари ҳажми 105,0 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 105,0 фоизга етказишга эришилди. Бюджет тушумларини таъминлаш бўйича жорий йилнинг 11 ойи якуни билан 72,5 млрд. сўмлик бюджет тушумлари ундирилиб, режа 107,0 фоизга бажарилиши таъминланди. Йил якуни билан 77,0 млрд. сўм бюджет тушумлари ундирилиб, йиллик режа 109,5 фоизга бажарилишига эришилади. Жорий йилнинг 11 ойи давомида аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази томонидан 3210 нафар фуқаро доимий иш таъминланиб, режа 132,3 фоизга бажарилди.

— Туманда худудий инвестиция дастури ва экспорт прогнози кўрсаткичлари бажарилиши бўйича қандай натижаларга эришилмоқда?

— Бу йўналишда ҳам туманда ижобий кўрсаткичларга эришяпмиз. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Қорақалпоғистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан туманда 2020-2023 йилларда умумий қиймати 1 трлн. 769 млрд. сўмлик 92 та лойиҳани амалга ошириш ва янгидан 1375 та иш ўринларини яратиш бўйича манзил дастур шаклланди. Соҳалар кесимида айтадиган бўлсак, sanoat соҳасида 1 трлн. 269 млрд. сўм қийматидаги 19 та лойиҳа ва 351 та янги иш ўрни, қишлоқ хўжалиги соҳасида 121,0 млрд. сўм қийматидаги 35 та лойиҳа ва 492 та янги иш ўрни, хизмат кўрсатиш соҳасида 379,2 млрд. сўм қийматидаги 38 та лойиҳа ва 532 та янги иш ўрни яратиш режалаштирилди. 2020-2021 йилларда умумий қиймати 121,6 млрд. сўмлик 71 та лойиҳа амалга оширилиб, янгидан 411 та иш ўрини яратилди. 2021 йил давомида худудий инвестиция дастури доирасида умумий қиймати 1 трлн. 318 млрд. сўмлик 29 та лойиҳани амалга ошириш белгиланган. Амалда жорий йил январь-декабрь ойи ҳолатига кўра, умумий қиймати

51,5 млрд. сўмлик 21 та лойиҳа амалга оширилди ва янгидан 116 та иш ўрни яратилди.

Туманда яшовчи аҳолининг 39633 нафарини ёшлар (18-30 ёш) ташкил қилади. Жорий йилда "Ёшлар дафтари"га киритилган 7173 нафар ёшларнинг муаммолари ижобий ҳал қилинди.

— Худудларни ривожлантириш стратегиясидан келиб чиққан ҳолда Беруний туманида 2022 йилга мўлжалланган режалар, худудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича устувор вазифаларга ҳам тўхталсангиз...

— Кириб келаётган янги йилда ҳам мақсадларимиз катта бўлиб, бу борадаги ишлар ҳозирдан режалаштирилиб олинган. Хусусан, 2022 йилда туманни ривожлантиришнинг асосий вазифаларидан бири бўлган ишсизлик ва камбағалликни қисқартириш бўйича қатор чора-тадбирлар белгилаб олинди. Бугунги кунда туманда ишсизлар сони 7487 нафарни ташкил қилиб, уларнинг асосий тоифадаги, яъни биринчи даражадаги бандлигини таъминлаш зарур бўлган "Темир дафтар"га киритилган оилаларнинг 18 нафар меҳнатга лаёқатли аъзоларини, "Аёллар дафтари"га киритилган 300 нафар аёлларни, "Ёшлар дафтари"га киритилган 2400 нафар ёшларнинг бандлигини таъминлаш ҳамда бошқа тоифадаги 4769 нафар ишсиз фуқароларнинг бандлигини таъминлаш чоралари кўрилади.

Беруний туманида 192 минг нафардан зиёд фуқаро яшайди, шундан 70 мингга яқини шаҳарда ва 122 минг нафари эса қишлоқ жойларда истиқомат қилади. Ҳозирда қишлоқ ва шаҳар орасидаги фарқ кундан-кунга камайиб, қишлоқларимиз кўркам қиёфа касб этмоқда. Бунда эса муҳтарам Президентимиз томонидан амалга оширилаётган "Обод қишлоқ", "Обод маҳалла" Давлат дастурлари доирасида бажарилаётган ишлар катта ўрин тутмоқда. Чунки бу борадаги ишлар туфайли йўлларни таъмирлаш, қайта қуриш ва туман дошларимизга муносиб ҳаёт кечириши учун шарт-шароитлар яратишда яхши натижаларга эришяпмиз.

Фурсатдан фойдаланиб, халқимизни кириб келаётган Янги йил билан муборакбод этаман. Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин. Элимизда яхши кунлар, тўю томошалар кўп бўлаверсин!

ЙЎЛ ҚУРМОҚ САВОБДИР

АЗАМАТЖОН ХОДЖАЕВ БИЛАН ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИГА ҚИЛГАН ХИЗМАТ САФАРИМИЗ ЧОҒИДА ЯҚИНДАН ТАНИШДИК. ТУМАН ҲОКИМЛИГИДА БЎЛГАННИМИЗДА, МУТАСАДДИЛАР "БЕРУНИЙ ТУМАН ЙЎЛЛАРДАН ФОЙДАЛЕНИШ" УНИТАР КОРХОНАСИДА РАҲБАР БЎЛИБ ИШЛАЁТГАН БУ ИНСОННИНГ САЎЙ-ҲАРАКАТИ БИЛАН КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА ЙЎЛ ҚУРИЛИШ СОҲАСИДА КЎПЛАБ ИЖОБИЙ ЎЗГАРИШЛАР БЎЛАЁТГАНИНИ АЙТИШИБ, КОРХОНА ФАОЛИЯТИ БИЛАН ЯҚИНДАН ТАНИШИШНИ МАСЛАҲАТ БЕРИШДИ.

ГАПНИНГ ОЧИҒИ, АЗАМАТЖОН БИЛАН ЯҚИНДАН ТАНИШИБ, СУҲБАТЛАШИШИМИЗ ОСОН КЕЧМАДИ. БУ УНИНГ МАНМАНЛИГИДАН ЁКИ ОБРЎ ТАЛАБЛИГИДАН ЭМАС, БАЛКИ ЎТА КАМТАР ВА КАМГАПЛИГИДА ЭКАН. ҚИСКА, ЛЕКИН МАРОҚЛИ КЕЧГАН СУҲБАТИМИЗ ДАВОМИДА ТАБИАТАН ОҒИР-БОСИҚ БЎЛГАН ИНСОН ЎЗ СОҲАСИНИ, ҚОЛАВЕРСА, КОРХОНА ФАОЛИЯТИНИ ЖУДА ЯХШИ БИЛИШНИ ТУШУНДИК.



» **ЯШИРИШНИНГ ҲОЖАТИ ЙЎК, ТУМАНИМИЗДА ЯҚИН-ЯҚИН ЙИЛЛАРГАЧА ЙЎЛЛАР, АЙНИҚСА, ИЧКИ ЙЎЛЛАР МАСАЛАСИДА ҚАТОР КАМЧИЛИКЛАР БОР ЭДИ. ЎЗИМ ҲАМ УШБУ СОҲАДА ҚАРИЙБ ЙИГИРМА ЙИЛГА ЯҚИН ИШЛАЁТГАНИМ САБАБЛИ ТУМАНДАГИ ҲАР БИР ҚАДАМ ЙЎЛНИ ЯХШИ БИЛАМАН ДЕСАМ, ЯНГЛИШМАГАН БЎЛАМАН.**

худудидаги ички йўллар мукамал таъмирланди.

Суҳбатдошимиз 1983 йил 30 октябрда Беруний туманидаги Махтумқули маҳалласида туғилган экан. Унинг айтишича, ёшлигидан йўлсозликка, архитектурага қизиқиши баланд бўлган.

— Ўзининг қизиқишини сабаб, қолаверса, отамнинг қўллаб-қувватлашлари туфайли Тожкент автомобиль йўллари институтига ўқишга кирдим, — дейди Азаматжон — Институтни муваффақиятли тугатиб келгач, ҳозир ўзим раҳбарлик қилаётган корхонада мутахассис сифатида иш бошлаганман. 2019 йилгача корхонада йўл устаси, йўл бўлими бошлиғи, бош муҳандис каби турли лавозимларда фаолият кўрсатдим. Ўша йилдан бошлаб эса менга раҳбарликка ишонч билдирилди. Жамоанинг ҳар бир аъзосини, қолаверса,

бордик. Хусусан, "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" Давлат дастури асосида туманда 53,610 км 11 202,707 млн. сўмлик ички йўллар таъмирланди. Жумладан, Абай ОҒИДА 0,750 км ички йўлга асфальт қоплама, Беруний ОҒИДА 0,555 км ички йўлга асфальт қоплама ва жами 52,305 км ички йўлга шағал қоплама ётқизилиб таъмирланди.

Шунингдек "Оғир худудларни ижтимоий ривожлантириш" Давлат дастури бўйича 4,166 км ички йўлларга асфальт қоплама, 2,224 км ички йўлга эса шағал қоплама ётқизилди.

Туризм объектларига борадиган ички йўлларни таъмирлаш бўйича Султон Увайс бобо зиёратгоҳига бориладиган 3,550 км ички йўл, "Филқалъа" археологик ёдгорлигига бориладиган 2,0 км, "Қизилқалъа" археологик ёдгорлигига бориладиган 0,850 км ички йўл ва Қўйи Амударё Биосфера резерватига борадиган 1,7 км қиски йўлларга асфальт қоплама ётқизилди. Шунингдек, корхона ички имкониятларидан келиб чиқиб 7,5 км ички йўлларга ҳашар йўли билан қўм-шағал аралашмасидан қоплама ётқизилди.

Шунингдек, Беруний шаҳри кўчаларини ободонлаштириш бўйича ҳам катта ишлар бажарилди, мисол учун Шайз Аббос Вали кўчасида 0,987 км асфальт қоплама ётқизилди, Беруний кўчасида 0,967 км ва "Серқуёш" кўчасида 2,0 кмга асфальт қоплама ётқизиш ишлари бажарилди.

2021 йилда Беруний туманидаги 17 та овул фуқаролар ва маҳалла фуқаролар йиғини



корхонанинг фаолиятини жуда яқиндан билганим учун доимо ўзаро ҳамжиҳатликда иш тутишга ҳаракат қиламан. Айни пайтда корхонамизда замонавий техникалар сони кўпайди, бу эса ўз навбатида, ишимизни янада энгиллаштиришга хизмат қилмоқда. Албатта, ҳали олдинда қиладиган ишларимиз, халқимиз олдида қарзимиз кўп. Кириб келаётган Янги йилда ҳам бошлаган ишларимизни изчил давом эттириб, элдошларимизнинг ишончини оқлаймиз.

Маълумки, инсоннинг камолотида оиладаги муҳит ҳам катта ўрин туттади. Қаҳрамонимизнинг айтишича, оилада тўртта фарзанд бўлиб, ҳаммаси олий маълумотли. Азаматжондан ташқари Шавкатжон, Тўлқинжон ва Мавлуда Беруний туманида турли соҳаларда ўзларининг фаолият йўналишлари бўйича юрт равнақига ўз ҳиссаларини қўшиб, самарали меҳнат қилишмоқда.

Қадимдан халқимизда йўл қуришга энг савобли амаллардан бири сифатида қаралган. Бу бежиз эмас. Зеро, дейлик кичик бир йўлнинг бунёд этилиши ёки равонлаштирилиши билан қанчадан-қанча инсонларнинг мушқули осонлашади, узоғи яқинлашади. Биз мана шундай ҳам савобли, ҳам масъулиятли ишни зиммасига олиб, фаолият юритаётган Азаматжон Ходжаевнинг кейинги ишларига муваффақиятлар тилаб, у билан самимий хайрлашдик.

Саҳифани Ойгул РАЗЗОҚОВА тайёрлади.



— Давлатимиз томонидан бугунги кунда йўлларни таъмирлаш, бунёд этишга жуда катта эътибор берилмоқда, — дейди суҳбатдошимиз. — Корхонамиз жамоаси зиммасидаги катта масъулиятни ҳис қилган ҳолда фаолият олиб борапти. Маълумки, йўллар манзилларни манзилларга туташтиради. Йўлнинг ободлиги, йўловчилар учун қулайлик яратиш, мушқулини осон қилиш биз, йўлсозлар олдида турган муҳим вазифа, айни пайтда бурч ҳисобланади. Яширишнинг ҳождати йўк, туманимизда яқин-яқин йилларгача йўллар, айниқса, ички йўллар масаласида қатор камчиликлар бор эди. Ўзим ҳам ушбу соҳада қарийб йигирма йилга яқин ишлаётганим сабабли тумандаги ҳар бир қадам йўлни яхши биламан десам, янглишмаган бўламан. Айтиш лозим, охириги йилларда мавжуд камчиликларни бартараф этиш учун белгиланган чора-тадбирлар режаси асосида аниқ ва манзилли ишларни олиб

Янги йил табриклари!


22-dekabr, chorshanba, 2021-yil.
№51 (32693)

Хоразм вилояти

«HAZORASP IPOTEKA QURILISH»

масъулияти чекланган жамияти жамоаси

юртдошларимизни **Янги йил байрами** билан табриклайди! Янги йил қувончлари қалбларимизга чексиз сурур бахш этсин! Хонадонларингиз қувонч ва файзу баракага тўлаверсин!

**«XIVA BUYUK QURILISH INVEST»**

масъулияти чекланган жамияти жамоаси

Ватандошларимизни **Янги йил** билан табриклайди! Сизга ва яқинларингизга оилавий бахт, сиҳат-саломатлик тилайди.

Юртимиз равнақи, Ватанимиз ободлиги йўлидаги бунёдкорлик ишларингизда омад ҳамisha ёр бўлсин!



QUTLOVLAR

Янги йил табриклари!

22-dekabr, chorshanba, 2021-yil.
№51 (32693)URGANCH
YOG'-MOY AJ

«URGANCH YOG'-MOY»

акциядорлик жамияти жамоаси

юртдошларимизни яқинлашиб келаётган

Янги йил билан қутлайди.

Ушбу байрам хонадонингизга тинчлик,

файзу барака олиб келсин. Барчангизга

сиҳат-саломатлик, тинчлик-хотиржамлик тилайди.

Янги йил ҳаммамиз учун омадлар йили бўлсин,

азиз юртдошлар!



«SHOVOT TEMIR BETON»

хусусий корхонаси жамоаси


республикамиз аҳолиси ва меҳмонларини

кириб келаётган Янги — 2022 йил билан табриклайди!

Янги йил барчамизга улкан муваффақиятлар,

бахту омад, зафарлар келтирсин!

Байрамингиз қутлуғ бўлсин!



O'zbekiston ovozi

Bosh muharrir: To'liq TO'RAXONOV

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV
Sahifalovchi: Bekzod ABDUNAZAROVГ — 1241. 14100 nusxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi — 220.O'zA yakuni —
Topshirilgan vaqti — 22:45.

t — Tijorat materiallari

MANZILIMIZ: 100135, Toshkent, Bunyodkor shoh ko'chasi, 50 «A»-uy.

Телефонлар: (71) 276-10-91, (71) 276-20-67.

E-mail: uzbovozi@mail.ru

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida
0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi
bosmaxonasida chop etildi.
Korxonaning manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

ISSN 2010-7633



9 772010 763008

Газетанинг электрон саҳифасига
ўтиш учун QR-кодни телефонингиз
орқали сканер қилинг.

1 2 3 4 5 6

Sotuvda kelishilgan narxda

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

MUASSIS:

TAHRIR HAY'ATI:

Ulug'bek INOYATOV

Ulug'bek VAFOYEV

Maqsuda VORISOVA

Qalandar ABDURAHMONOV

Guliston ANNAQILICHEVA

Muslihidin MUHIDDINOV

Hayotxon ORTIQBOYEVA

Shuhrat ISLOMOV

Toshtemir XUDOYQULOV

O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI